O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 30 декабрь, № 252 (4662) Сешанба

# БЕҚИЁС МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК МУЖАССАМ



**«Президент арчаси»**

***Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг баркамол вояга етиши, келгусидаги фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида юксак ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Зеро, Истиқлол фарзандлари эзгулик ва меҳр оғушида улғаяётган бахтиёр ёшлардир.***




Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида бошланган «Президент арчаси» байрам тантаналари ҳам навқирон авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак меҳр ва мурувватнинг ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур шодиёнага Меҳрибонлик уйлари, "SOS" болалар маҳаллаларининг тарбияланувчилари ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари таклиф этилдилар.

Тадбирга йиғилганларнинг қувончи чексиз. Даставвал кўркам арча атрофида эстрада хонандалари ижросидаги қизиқарли концерт дастури намойиш этилди.

(Давоми 2-бетда).

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

***Ҳозирги вақтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнида муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди», деб ёзиб қўйилган. Улар фаолият кўрсатиши учун тегишли конституциявий база яратилган.***



Олий Мажлис Сенатида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилиниб, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари батамом шаклланганлиги қайд этилди. Ҳозирги вақтда фуқаролик жамиятининг таянч демократик бўғини бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ҳамда ваколатларини кучайтириш мамлакатимизни ривожлантиришда устувор масалалар бўлиб ҳисобланади. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ мамлакатимизда учинчи марта фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмоқда. Сайловни муваффақиятли ташкил этиш ва ўтказиш учун ҳар бир фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Бу гуруҳлар асосий эътиборни фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини амалдаги қонун ҳужжатларига, очиқлик ва ошкоралик каби демократик принципларга тўла амал қилган ҳолда ўтказишга, сайлов жараёнининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, давра суҳбатлари, семинар-

(Давоми 2-бетда).

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*



**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

# ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Унда "Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида"ги Конвенциянинг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўтказган назорат-таҳлил якунлари муҳокама қилинди.

Анжуманда БМТнинг мазкур Конвенцияси ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, БМТнинг тегишли ташкилотлари билан ҳамкорликда халқаро анжуманлар ташкил этилган. Айни вақтда ушбу вазирлик қошидаги малака ошириш маркази томонидан 1200 нафардан зиёд мутахассис ва хусусий тадбиркорнинг малакаси оширилганлиги эътиборга моликдир. Бундан ташқари, мазкур халқаро ҳужжат меъёрларини миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш бўйича мунтазам равишда илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги таъкидланди. Шунингдек, йиғинда халқаро ҳужжат ижросини таъминлаш чоғида баъзи камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ахбороти тингланди, саволларга жавоб қайтарилди.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

# АҚШДА ТУРКИСТОН – АМЕРИКА УЮШМАСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

***АҚШнинг Довер шаҳридаги Туркистон-Америка уюшмаси (ТАУ) Миллий-маданият марказида мазкур ташкилот тузилганининг 50 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Уюшма АҚШда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ватандошларимизни жипслаштиришга хизмат қилиб келаётган ташкилотдир.***

**Биз ва жаҳон**

Тантанали маросимда АҚШ маданият ва жамоат арбоблари, ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошларимиз, АҚШ ва Канададаги Бухоро яҳудийлари конгресси ҳамда юртимизнинг Нью-Йоркдаги дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Маросимни очар экан, ТАУ раиси Абдулла Хўжа 1958 йилда ташкил этилган Туркистон-Америка уюшмаси ўз фаолияти давомида ўтган аср бошларида Марказий Осиё давлатларидан чиқиб кетишга мажбур бўлган ва бугунги кунда АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимиз тарихий Ватани ўз мустақиллигига эришадиган кун

(Давоми 3-бетда).

Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

«Ушбу бобда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилаётган ишончли шахс оддий ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятни амалга оширишни бошлаган кундан эътиборан ўн кун ичида ишончли шахснинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органида биргаликдаги фаолият доирасида солиқ мажбуриятларини бажарувчи солиқ тўловчи сифатида ҳисобга туриши шарт»;

77) **381-модданинг олтинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 382-моддасида назарда тутилган» деган сўзлар «ушбу Кодекснинг 375-моддасида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

78) **382-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ягона солиқ тўлови биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация қилинмасдан, биргаликдаги фаолият шериклари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаб олинган тақдирда ҳам тўланади. Бунда ягона солиқ тўлови суммаси биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш доирасида якка тартибдаги тадбиркорлар учун ягона солиқ тўлови ҳисобкитобининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

79) **387-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бозорлар даромадларининг умумий суммасидан, бозорлар даромадидан тўланадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташлангандан кейин қолган маблағларнинг 50 фоизи бозорлар жойлашган жойдаги тегишли маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда йўналтирилади. Қолган 50 фоизи бозорлар маъмурияти тасарруфида қолади ва улардан жорий харажатларни қоплаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, бозорлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун фойдаланилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун 2009 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 декабрь
№ ЎРҚ — 196





Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2008 йил

белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидаги тўловлар»;

**26-банди** чиқариб ташлансин;

33) **180-модда иккинчи қисмининг 7** ва **11-бандларидаги** «бошқа турмуш қурмаган» ва «қайта турмуш қурмаганлик» деган сўзлар тегишинча «янги турмуш қурмаган» ва «янги турмуш қурмаганлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) **186-модданинг саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида, 14-бандида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида, 14-бандида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади»;

35) **197-модда**:

**биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс»;

**иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нотижорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

36) **199-модданинг**:

**биринчи қисми**:

**1-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс



ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), агар ушбу модда иккинчи қисмининг 6-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса»;

қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун товарлар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, агар ушбу модда иккинчи қисмининг 1-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса»;

**иккинчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегириладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарлар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш»;

37) **202-модда учинчи қисмининг**:

**2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчар мулк билан боғлиқ бўлса. Бундай ишларга, хизматларга монтаж қилиш, созлаш, йиғиш, қайта ишлаш, ишлов бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш киради»;

**4-бандининг**:

**олтинчи хатбошисидаги** «ушбу қисмда» деган сўзлар «ушбу бандда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «чет эллик алоқа операторлари томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

38) **204-модданинг**:

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, солиқ тўловчига ўз эҳтиёжлари учун ушбу Кодекс 199-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига мувофиқ товарлар берилганда (ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда), шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиқиб белгиланади»;

**еттинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас»;

39) **208-модданинг**:

**12-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12) қимматбаҳо металларни ваколатли давлат органига сақлаб туриш учун топшириш ва уларнинг экспорти»;

49) **229-модданинг иккинчи қисмидаги** «Вазирлар Маҳкамасининг» деган сўзлар «Президентининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

50) **230-модданинг иккинчи қисми 4-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

51) **240-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади»;

52) **248-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган бошқа шахслар қўшимча фойда солиғи тўловчиси этиб белгиланиши мумкин»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

53) **249-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Реализация қилишдан олинган соф тушум билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган даромаднинг бир қисми (қўшимча фойда) қўшимча фойда солиғини солиш объектидир»;

54) **250-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ солинадиган база ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидан келиб чиқиб, қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган соф тушумдан ҳисобланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланган ҳолда аниқланади»;

55) **256-модданинг биринчи қисми**:

**5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ягона ижтимоий тўлов»;

қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) акциз солиғи»;

56) **257-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни амалга оширувчи қуйидаги шахслардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари»;

57) **268-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

12

чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади»;

16) **140-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи ижобий фарқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромад таркибига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилади»;

17) **144-модда иккинчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) музей қимматликлари (музей ашёлари)»;

18) **145-модданинг**:

**40-банди** қуйидаги мазмундаги **«м» кичик банди** билан тўлдирилсин:

«м) қарз суммаси билан мазкур қарзни юзага келтирган реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқдан ошмайдиган сумма доирасидаги қарзни талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечишдан кўрилган зарарлар»;

**43-банди бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи салбий фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромаддан чегириб ташланади»;

қуйидаги мазмундаги **49-банд** билан тўлдирилсин:

«49) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар бўйича тўлаш харажатлари»;

19) **150-модданинг 7-банди** чиқариб ташлансин;

20) **152-модданинг 10-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10) профессионал фаолиятдан олинган бошқа даромадлар»;

21) **155-модданинг**:

**иккинчи қисми** «банклари» деган сўздан кейин «ва лизинг берувчилари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**саккизинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўққизинчи — йигирманчи қисмлари** тегишинча **саккизинчи — ўн тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5

10) **104-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчи, агар ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, давлат солиқ хизмати органи қарорининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида қарорда кўрсатилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиши ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммасини тўлаши шарт»;

**бешинчи қисмининг учинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муддат жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун муддат бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан, ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса олти ойдан ошмаслиги керак»;

11) **118-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт»;

12) **128-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ солинадиган база жами даромад билан ушбу бўлимда назарда тутилган чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, мазкур Кодекс 158-моддасининг иккинчи қисмида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар ҳамда ушбу Кодекснинг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инобатга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади»;

13) **130-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади»;

14) **132-модданинг**:

**11-бандидаги** «иккинчи» деган сўз «биринчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

**13-бандидаги** «шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича олинган даромадлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **133-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситалар объектларининг илгари қайта баҳолашлардаги ортган суммасининг ушбу асосий воситалар объекти қийматининг олдинги қайта баҳолашлардаги камайиши суммасидан ортган қисми асосий воситаларнинг

4

**тўртинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

58) **275-модда биринчи қисмининг 7** ва **8-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёхуд шикастланганлиги оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ота-оналарининг ва рафиқаларининг. Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг беваси (онаси, отаси)» штампи қўйилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига имтиёз фақат улар янги турмуш қурмаган тақдирда берилади;

8) муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари ва улар оила аъзоларининг (хизматни ўташ даврида). Мазкур имтиёз тегишли ҳарбий қисмнинг ёки туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади»;

59) **287-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «солиқ ҳисоб-китобларни тақдим этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

60) **296-модданинг иккинчи жумласи** «олинган» деган сўздан кейин «(олиниши лозим бўлган)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

61) **297-модданинг биринчи қисмидаги** «фойда солиғи тўланганидан кейин» деган сўзлар «ҳисобланган фойда солиғи чегириб ташланган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

62) **305-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини (бундан буён матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир»;

63) **308-модданинг 4-банди** чиқариб ташлансин;

64) **310-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан

13

Буклаш чизиғи — Қирқиш чизиғи

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Қўлга олинди

***Италияда 1997 йилдан буён қидирувда бўлган «Ндрангета» жиноий гуруҳи аъзоси Пьетро Криако қўлга олинди.***



«La Republica» нашрининг ёзишича, мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари уни Реджио-ди-Калабрия шаҳри яқинида истиқомат қилувчи қариндошининг уйидан ушлашган. Криако ҳибсга олинган вақтда унинг ёнида «Ндрангета» жиноий тўдасининг уч нафар бошқа аъзоси ҳам бўлган.

Пьетро Криако Италия полицияси томонидан қидирувда бўлган 30 нафар хавфли жиноятчидан биридир. У қотиллик, босқинчилик каби жиноятларни содир этгани учун қонун олдида жавоб беради.

## Оммага намойиш этилди

***Япон космик агентлиги (JAXA) янги «HTV» (H2 Transer Vehicle) юк ташувчи космик аппаратини оммага намойиш этди, дея хабар тарқатди «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги.***

«HTV»ни тайёрлашга 760 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланганни айтилмоқда. Узунлиги 10 метрлик ушбу қурилманинг вазни ўн тоннадан зиёдроқ. Ундан Халқаро космик станцияга юк ташиш мақсадида фойдаланилади.

Режага кўра, «HTV»нинг илк парвози кейинги йили амалга оширилади.

## Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида

***Буюк Британия ҳукумати транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида янги хил жарима қўллаш таклифи билан чиқмоқда.***

"Daily Mail" газетасининг ёзишича, агар ҳайдовчи автомобилни бошқариб кетаётган вақтда бирор бир егулик ва ичимлик истеъмол қилса ёки йўл харитасига қараса, жаримага тортилади.



Мазкур мамлакат қонунчилигига кўра, қоидани бузган ҳайдовчи суд орқали жазоланади. Агар ҳукумат таклифи қабул қилинадиган бўлса, полиция эътиборсиз ҳайдовчиларга жарима солиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бирлашган Қироллик раҳбарияти шу йўл орқали транспорт ҳаракатланишида майда қоидабузарликларга барҳам бермоқчи.

## Музокаралар тўхтаб қолди

***"AFP"нинг хабар қилишича, Исроил ва Сурия ўртасида тинчлик ўрнатиш мақсадида олиб борилаётган ўзаро музокаралар тўхтаб қолди.***

Бунга шу йилнинг 27 декабрь куни Ғазо секторида Исроил армияси томонидан кенг кўламли ҳарбий амалиётлар бошлаб юборилгани сабаб бўлди. Натижада қарийб 300 киши ҳалок бўлган, 600 нафарга яқин одам жароҳатланган.

Эслатиб ўтамиз, мазкур давлатлар ўртасидаги музокаралар жорий йилнинг май ойида тикланган эди. Бироқ, Исроил бош вазири Эҳуд Ольмертнинг истеъфога чиққанлиги туфайли бу ишлар вақтинча кечиктирилганди. Энди эса...

## Бюджет тақчиллиги сабаб

***АҚШнинг бир қатор штатлари раҳбарияти ўз ихтиёрларида бўлган йўллар, аэропортлар, хиёбонлар ва чўмилиш ҳавзаларини сотиш ёки ижарага беришни режалаштирмоқда.***



"Associated Press" агентлиги ахборотида келтирилишича, штатлар шу йўл орқали бюджет тақчиллигини бартараф этишмоқчи.

Айтиш жоизки, айни пайтда АҚШнинг 44 та штатида бюджет тақчиллиги юз бермоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида айрим штатлар, ҳатто солиқларни кўтаришга ҳам ҳозирлик кўришмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ИСТЕЪДОДЛАР – ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

***“Истиқлол” санъат саройида “Келажак овози — 2008” республика танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***




Тўрт йилдирки, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур танлов мамлакатимиз ёшларининг истеъдод ва қобилиятини қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шу боис, ушбу танловда иштирок этиб, ноёб қобилияти, янгича ғоя ва қарашлари, бетакрор ижодини кенг миқёсда намоён этиш истагидаги йигит-қизлар сафи тобора ортиб бормоқда. Жорий йилда ўн бешдан йигирма беш ёшгача бўлган қарийб 55 минг нафарга яқин йигит-қиз танловда иштирок этди. Якуний босқичда эса 589 нафар истеъдод соҳиби илм-фан, бадиий ижод, тасвирий санъат, меъморлик, дизайн, ахборот технологиялари, спорт сингари йўналишлар бўйича беллашди. Қувонарлиси, улар орасида мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги нуфузли тадбирларда иштирок этиб, муваффақиятли натижаларни қўлга киритган бетакрор истеъдодли ёшлар ҳам бор.

Танлов иштирокчиларини тақдирлаш маросимида сўз олганлар ўз билими ва салоҳиятига ишонган, интилувчан бундай ёшлар учун юртимизда кенг имкониятлар яратилганлигини алоҳида таъкидладилар. Бинобарин, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида навқирон авлод вакилларининг истеъдодини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидор ва қобилиятини кенг намоён этишга юксак эътибор қаратилмоқда. Бундай беминнат ғамхўрликдан руҳланган ёшлар эзгу орзу-мақсадлар сари дадил интилмоқдалар.

— Ҳеч бир мамлакат ёшлари бизчалик юксак ғамхўрлик ва эътибор оғушида бўлмаса керак, — дейди танлов ғолиби, наманганлик Муслимбек Мусалламов. — Юксак меҳрдан баҳраманд бир фарзанд сифатида айтишим мумкинки, мамлакатимизда биз, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик барчамизни янада юксак чўққилар сари ундамоқда. Ўзим “Келажак овози” танловида биринчи бор қатнашишим. Беллашувнинг бадиий ижод номинациясида ғолиб деб топилдим. Бу менинг келгусида Ўзбекистон Миллий университетининг филология йўналиши бўйича имтиёзли асосда ўқишга киришим учун имкон деганидир. Негаки, келажакда етук адабиётшунос олим бўлиб етишишни ният қилганман.

— Танлов синовларининг адолатли бўлганлиги менда катта таассурот қолдирди, — дейди ёш дизайнер Феруза Эргашева. — Ҳайъат аъзолари ижодимизга баҳо беришар экан, биздан барчанинг кўз ўнгида ўз маҳоратимизни намоён этишимиз талаб қилинди. Мен шу ернинг ўзида гилам-гобелен тўқиш жараёнини кўрсатиб бердим. Тажрибали мутахассислар ҳунаримни юксак баҳолашганидан қувончим чексиз. Шуни ҳам айтишим керакки, бугун эришган муваффақиятим эртанги улкан ютуқларим асосидир.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида ёш эстрада хонандаларининг концерт дастури намойиш этилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат**


*Ҳурматли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!*

**«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» компанияси**

**2008 йил 27 декабрдан 2009 йил 5 январгача**

**20 фоизгача арзонлаштирилган енгил саноат маҳсулотларининг Янги йил чакана**

**савдо ярмаркасини**

**ўтказади.**

Ярмаркада республикамизда ишлаб чиқарилган кенг турдаги тикувчилик ва трикотаж буюмлари ҳамда болалар учун мўлжалланган мавсумий кийим-кечаклар сотилади.



Барчангизни ярмаркага таклиф этамиз.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй
*(Тўқимачилар маданият саройи).*
Ярмарканинг иш тартиби: соат 10.00 дан 18.00 гача.
Маълумот учун телефонлар: 253-92-91, 253-93-58.



**«KAFOLAT RIELT» МЧЖ**

**2009 йил 30 январь, 3, 6 февраль кунлари соат 14.00 да Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 47-«А» уйда жойлашган Ўзбекистон Банклари ассоциацияси Фарғона вилояти муассасаси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади.**

Аукцион савдоларига қуйидаги мулк қўйилмоқда: Фарғона вилояти Бешариқ тумани «90-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Фарғона вилояти, Бешариқ шаҳри, «Навбаҳор» МФЙ, Нурободод кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган «90-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна» ОАЖнинг маъмурий биноси, қоровулхона, ошхона, ёғочни қайта ишлаш цехи, меҳмонхона, бетон қориш бўлими, ҳаммом, қозонхона, 2 та ҳожатхона, дарвоза, 4 та ҳовуз, 3 та девор, АЁҚШ биноси, КТМлардан ташкил топган бино ва иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 740 201 775 сўм.***

Ушбу мулкни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдоридаги закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Телефон: 238-69-93.**

**Шунингдек, ушбу мулк белгиланган кунда сотилмаган тақдирда, ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қайта қўйилиши мумкин.**

1921Н/2017



**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**



**Ўлчаш диапазонлари:**
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.**
**Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**


O'ZSANOATQURILISHBANK
«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»
барча мижозларини,
акциядорларини, ҳамкорларини
ва юртдошларимизни
2009
Янги йил
байрами билан табриклайди!
Янги йил сизга бахт-иқбол,
хонадонингизга файз-барака,
юртимизга хотиржамлик ва фаровонлик
олиб келишини тилаб қоламиз!
Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz


Янги йилингиз
қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!
IPOTEKA BANK
Имконият яратамиз
www.ipotekabank.uz


«ЎЗБЕКИСТОН
МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»
АКЦИЯДОРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
барча юртдошларни кириб
келаётган
Янги – 2009 йил
билан чин қалбдан табриклайди!
Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат,
омад ва барча орзу-ниятларнинг
амалга ошишини
тилайди!

## «Ўзкимёсаноат»
### Давлат акциядорлик компанияси

республикамиз кимёгарлари номидан бутун Ўзбекистон халқини

**Янги — 2009 йил**

билан муборакбод этиб, барчага тинчлик-хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилайди.

Жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин, азиз ҳамюртлар!



ASAKA BANK

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

## Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки (ОАЖ)

сизларни яқинлашиб келаётган

**Янги — 2009 йил**

билан самимий табриклайди!

*Сизларга ва оила аъзоларингизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик, омад ва зафарларни тилаб, миллий валютада янги омонат турларини жорий йилнинг 31 декабригача таклиф этади.*

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР**

**1. «ЯНГИ ЙИЛ-2009»**

Сақланиш муддати — **3 ой.** Омонат бўйича **йиллик 24%** ҳисобланади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда берилиши ёки омонат ёпилганда (3 ой муддат ўтганидан сўнг) берилиши мумкин.

**2. «ЯНГИ ЙИЛ-2009»**

Сақланиш муддати — **6 ой.** Омонат бўйича **йиллик 25%** ҳисобланади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда берилиши ёки омонат ёпилганда (6 ой муддат ўтганидан сўнг) берилиши мумкин.

**3. «ЯНГИ ЙИЛ-2009»**

Сақланиш муддати — **1 йил.** Омонат бўйича **йиллик 26%** ҳисобланади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда берилиши ёки омонат ёпилганда (1 йил муддат ўтганидан сўнг) берилиши мумкин.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- маблағлар манбалари декларация қилинмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод;
- банк сири деб ҳисобланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. «Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

**Барча омонатларингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан кафолатланади.**

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-63, 120-39-81, 120-39-57.**

**Барча хизматлар лицензияланган.**



## ALSYS®

ИП ООО "Aluminium Systems"

производитель качественного алюминиевого профиля, поздравляет деловых партнеров, своих клиентов и соотечественников

**С новым 2009 годом!**

## Қисқа сатрларда

### Марказ иш бошлади

*Учқудуқ шаҳрида "Тил ўрганиш маркази" фаолият бошлади.*

Билимга чанқоқ ёшлар бўш вақтларида бу ерда инглиз, рус, немис тилларини пухта ўрганишга киришдилар.

Айни кунларда тил ўрганиш марказини замонавий компьютер ва лингафон ускуналари билан жиҳозлашга киришилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### «Элинза»нинг сифатли мебеллари

*Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғидаги "Элинза" кичик корхонасида 25 нафар қишлоқ йигити меҳнат қилади.*

90 турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ушбу корхона арзон ва сифатли маҳсулотлари билан нафақат Хоразмда, балки қўшни вилоятларда ҳам истеъмолчилар эътиборини тортмоқда. Яқинда корхонада спорт анжомлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёш оилалар эътиборда

*Ёшлар йили муносабати билан Уйчи туманида ёш оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.*

